

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

Н. Т. ИСМОИЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ
КОДЕКСИНИНГ 51² – 51⁹-МОДДАЛАРИГА

Ш А Р Ҳ Л А Р

Илмий-амалий қўлланма

ТОШКЕНТ – 2015

Т а қ р и з ч и л а р :

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси бошлиғи юридик фанлар доктори,
профессор **Х. Т. Одилқориев**;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бошқарувнинг ҳуқуқий асослари кафедраси мудирини
юридик фанлар номзоди, доцент **Э. Т. Хожиев**

Исмоилов Н.Т.

И 87

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51² – 51⁹-моддаларига шарҳлар: Илмий-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 32 б.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51² – 51⁹-моддаларига илмий-амалий шарҳларда кодекс моддаларида белгиланган қоидаларнинг мазмуни ҳамда уларни тартибга солувчи бошқа қонунчилик ҳужжатлари батафсил ёритилган.

Мазкур шарҳлар ҳуқуқшунослар, маъмурий, сайлов қонунчилиги билан шуғулланувчи ваколатли субъектлар ҳамда юридик таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, тингловчи, талабаларига мўлжалланган.

ББК 67.99(5У)1

КИРИШ

Юртимизда амалга оширилган демократик, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг ажралмас таркибий қисми сифатида сайлов қонунчилиги ва амалиёти ҳам ривожланиб борди. Натижада миллий сайлов қонунчилиги ҳозир умумий демократик талабларга жавоб берадиган даражага етди. Шундай бўлишига қарамай, у тобора такомиллаштириб борилмоқда. Шу ўринда сайлов тизими тарихи ва амалиёти билан боғлиқ асосий босқичлар ҳақида тўхталиб ўтсак.

Сайлов тизимининг конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилиши 1991 – 2000 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда Ўзбекистон Конституцияси, сайлов тизими билан боғлиқ асосий қонунлар қабул қилинди, илк маротаба президент сайлови ўтказилди ҳамда кўппартиявийлик асосида бир палатали парламент шакллантирилди.

Ҳозир деярли барча мамлакатларда конституция сайлов қонунчилигининг асоси ҳисобланади, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам. Сайлов тизими билан боғлиқ асосий нормалар конституция ва сайловга оид қонун ҳужжатларида белгиланган бўлиб, улар сайловни демократик тамойиллар асосида адолатли, холисона, очиқ ва ошкора ўтказишга, фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқ, эркинлик ва манфаатларини кафолатлашга, сайловда фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, сиёсий партиялар фаол иштирок этишига хизмат қилмоқда.

Бу даврда қабул қилинган муҳим ҳужжатлардан бири, шубҳасиз, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонундир. Ушбу қонун билан фуқароларга сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш ва ўз хоҳиш-истакларини эркин ифодалаш механизми яратиб берилди.

Янги сайлов қонунчилиги 1994 йилда кўппартиявийлик асосида ўтказилган парламент сайловида синаб кўрилди. Бунинг натижасида биринчи чақириқ Олий Мажлис таркиби иккита сиёсий партия ва ҳокимият вакиллик органлари томонидан кўрсатилган номзодлардан сайланган депутатлардан иборат тарзда шакллантирилди. Шундай қилиб, конституциявий-ҳуқуқий механизмлар орқали ягона партиянинг «етакчилик роли»дан воз кечилди. Демократик асосда шаклланган, кўппартиявийликка таянган миллий парламент вужудга келтирилди.

Олий Кенгашнинг 1994 йил 23 сентябрда бўлиб ўтган ўн иккинчи сессиясида Олий Мажлисга биринчи сайловни 1994 йил 25 декабрда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Уч босқич (1994 йил 25 декабрь, 1995 йил 8 ва 22 январь)да бўлиб ўтган сайлов якунларига биноан 245 нафар депутатдан иборат таркибдаги парламент тузилди. Биринчи чақириқ (1995 – 1999 йиллар) Олий Мажлис таркибида Ўзбекистон халқ демократик партиясидан сайланган 69, «Адолат» социал-демократик партиясидан 47, «Ватан тараққиёти» партиясидан 14 ва «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 7 нафар депутат бўлиб, уларнинг қолган қисмини ҳокимият вакиллик органларидан кўрсатилган шахслар ташкил этди.

Ушбу давр миллий сайлов тизимининг демократик асосларини мустаҳкамлаш ва қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш каби тадбирларни ҳам ўз ичига олади.

Жумладан, бу босқичда сайловни ташкил этиш ва натижасини аниқлашда холисликни таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги (1998 йил 30 апрель) қонун қабул қилинди ва мамлакатимиз тарихида илк бор демократик йўл билан Марказий сайлов комиссияси тузилди. Бундан ташқари, депутатликка мустақил номзодларни илгари суриш, кўппартиявийлик ва фикрлар хилма-хиллигини кучайтиришга кенг шароит яратиш учун сайлов қонунчилигидан «беш фоизлик тўсиқ» ҳақидаги қоида чиқариб ташланди ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг бевосита номзод кўрсатиш ҳуқуқлари мустаҳкамланди. Шунингдек, 1999 йил 19 августдаги қонун билан «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

1996 йилнинг декабрида сайлов жараёнининг муҳим субъектлари саналган сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши билан 1999 йили ўтказилган парламент сайловига янги ҳуқуқий замин яратилди. Сиёсий партиялар Олий Мажлисида ўз фракцияларини ташкил этишининг қонуний кафолатлари вужудга келтирилди. Энг муҳими, сиёсий партияларнинг сайлов тартиб-қоидаларига риоя қилинишини назорат этиш бўйича ваколатлари кенгайди ва номзод кўрсатган сиёсий партия ҳар бир сайлов участкасига ўз кузатувчисини тайинлаш ҳуқуқига эга бўлди.

2000 – 2010 йилларда сайлов тизими ва амалиётининг ҳуқуқий асослари янада ривожлантирилди. Бу йиллар юртимизда фаол демократик янгиликлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври бўлди, иқтисодиёт барқарор ривожланди, сиёсий ҳаёт, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳалар изчил ислоҳ этилди. Бу даврда бевосита икки палатали парламент тизимига ўтиш билан боғлиқ сайлов қонунчилиги такомиллаштирилди. Бунда қуйи — Қонунчилик палатасини шакллантиришда асосан партиявий вакиллик принципи устувор бўлди. Сиёсий партия вакилларининг ўз ижтимоий-сиёсий қарашлари ва сайловчилар манфаатларини ифодалаши учун кенг имкониятлар яратилди. Парламентнинг юқори палатаси — Сенат ҳудудий вакиллик органи сифатида эътироф этилди ҳамда унинг асосий таркиби поғонали сайловлар асосида шаклланиши конституциявий қонунда мустаҳкамлаб қўйилди.

2003 ҳамда 2008 йилларда Конституция ва сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу миллий сайлов тизимининг изчил ва босқичма-босқич либераллашувини, икки палатали парламент сайловининг қонун талаблари ҳамда умумэътироф этилган халқаро принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган қонунчилик базаси шаклланишига олиб келди.

Президентнинг ваколат муддати ўзгартирилиб, айрим ваколатлари Сенат ва Бош вазирга ўтказилди. 2003 йилнинг 29 августида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шундай қилиб, икки палатали парламентга сайловни ўтказиш учун зарур норматив-ҳуқуқий база яратилди. Бунда сайлов ҳуқуқига оид халқаро стандартлар ва сайлов тизимини ривожлантириш тажрибаси, шунингдек, мамлакатда парламентаризм тараққиётининг миллий хусусиятлари эътиборга олинди. Масалан, 2004 йилги сайловга қадар сайлов қонунчилигига жорий этилган энг муҳим янгиликлар қаторида маҳаллий кенгашларнинг депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқи бекор қилингани, сиёсий партиялар депутатликка номзодлар кўрсатганида хотин-қизлар учун квота белгилангани, шунингдек, сайловолди ташвиқотини олиб боришда партиялар фаолиятини молиялаштириш масаласининг ҳал этилганини алоҳида таъкидлаш керак.

2008 йил 25 декабрда қабул қилинган ва 2009 йил 1 июлдан кучга кирган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун сайлов жараёнининг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантирди. Ушбу қонунга мувофиқ Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди. Бунда 135 та ўринни сиёсий партиялардан кўппартиявийлик асосида бир мандатли округларда сайланадиган депутатлар эгаллайди. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан эса Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати мазкур ҳаракатнинг олий органи (конференцияси) томонидан Марказий сайлов комиссияси белгиладиган муддатларда сайланадиган бўлди. Шунингдек, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида сиёсий партияларнинг роли кучайиб бораётгани инобатга олиниб, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзод кўрсатиш институти бекор қилинди. Депутатликка номзодлар ишончли вакилларининг сони 5 нафардан 10 нафарга оширилди. Сайловни ўтказишда сайлов комиссиялари фаолиятининг ошқоралигини янада оширишга йўналтирилган қатор янги тартиб-қоидалар жорий этилди. Шундай қилиб, сайлов қонунчилиги изчиллик билан ривожланиб борди.

Сайлов нафақат фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлаш, балки давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг бирламчи омилига айланди. Шу нуқтаи назардан қараганда, сайловнинг аҳамияти ва роли қуйидаги назарий қарашларда ҳам намоён бўлади. Хусусан, демократик давлатда сиёсий маданият ва фуқароларнинг ташаббускорлиги юқори даражада ривожланган пайтларда ҳам сайловда тўла яқдиллик бўлмаслиги табиий ҳол ҳисобланади. Сабаби, сайловнинг асосий мақсади барча фуқаролар ўртасида идеал келишув (консенсус)га эришишдан иборат бўлиши керак эмас (чунки унга, фавқулодда вазиятлардан ташқари, ривожланган жамиятда ҳеч қачон эришиб бўлмайди), балки сайлов орқали барча фуқаролар ўз иродасини билдириш имкониятига эга бўлиши, давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари эса мазкур иродага мос ҳолда ташкил этилиши ва ҳаракат қилиши лозимлигини таъминлашдан иборат бўлиши керак. Бундан келиб чиқадикки, сайловдаги ғоявий кураш орқали жамият ҳаётида барқарорликка ва ривожланишга эришилади.

Шу билан бирга, сайлов номзодлар кураши ва сиёсий жараён бўлгани учун унда турли хил сиёсий ўйинлар ва манфаатлар тўқнашуви мавжуддир. Сайлов кампанияси жараёнида, одатда,

фуқароларда сиёсий эҳтирослар кучайиши кузатилади ва ҳар хил кутилмаган вазиятлар юзага келиши мумкин. Шу боис ривожланган жамиятларда бундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида қонун доирасида сиёсий ахлоқнинг муайян стандартлари ишлаб чиқилган бўлади. Бу каби стандартларнинг қўлланиши мазкур жараёнларнинг янада демократлашувига хизмат қилади.

Хусусан, 2012 йилда қабул қилинган «Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунда сайлов олди ташвиқоти жараёнининг моҳияти очиқ берилди. Ташвиқотни олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари, муддатидан олдин овоз беришнинг тартиб-таомиллари, қамокда сақлаш жойларида ҳам сайлов участкаларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўтган давр мобайнида, хусусан, 1991, 2000 ва 2007 йилларда ўтказилган президент сайлови ҳамда 1994, 1999, 2004 ва 2009 йилларда вакиллик органларига ўтказилган сайловларда эркин ва адолатли сайлов ўтказиш бўйича катта тажриба тўпланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилиб, 2010 йилнинг ноябрь ойида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси», унинг доирасида қабул қилинган қонунлар сайлов қонунчилигини изчиллик билан янада мақсадли ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Жумладан, сайлов қонунчилигига сайловолди ташвиқотининг шакл ва усуллари аниқ белгилаш, сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичини ўтказишда депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Сайловлар пайтида ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган тузатишларни рўёбга чиқариш соҳасидаги қонун ижодкорлиги ишлари дастури тўғрисида»ги 2014 йил 25 июнь фармойишига мувофиқ тайёрланиб, қабул қилинган ва 2014 йил 4 сентябрда Президент томонидан имзоланган қонун ҳам сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришга, Марказий сайлов комис-

сиясининг ваколатларини кенгайтиришга, мустақиллигининг кафолатларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида 2014 йил 16 апрелда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32,78, 93, 98, 103 ва 117-моддалари)ги қонун қабул қилиниб, Конституциянинг 32-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Шу билан бирга, мазкур қонунга асосан, Конституциянинг 117-моддаси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилиб, унинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди.

Шунингдек, мамлакатимиз парламенти томонидан сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган яна бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бинобарин, 2014 йил 4 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунга, Бюджет кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга Марказий сайлов комиссиясининг фаолияти асосий принципларини белгилашга, унинг мустақиллигини, шу жумладан, молиявий мустақиллигини мустаҳкамлашга, шунингдек, сайлов ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгилашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилди.

Айниқса, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликнинг мустаҳкамлаб қўйилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси саккизта моддадан иборат бўлган янги боб – «Сайлов ва референдумни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик», деб номланган V¹ боб билан тўлдирилди. Сайлов қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликнинг қатъий белгилаб қўйилиши сайлов эркинлиги принципи янада тўлиқроқ амалга оширилишига, мамлакатимиз сайлов тизими янада демократлаштирилишига, сайловнинг очиқ-ошкоралиги принципларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Сайлов қонунчилигидаги

ушбу янгиликлар сайлов жараёнларини янада либераллаштириш, унинг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ва мустақил ифодалаш учун мавжуд механизмларни янада такомиллаштириш имконини беради.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралаштиришга, уларнинг қарорлари ижро этилмаслигига йўл қўйилмайди. Сайлов комиссиялари ўз ваколати доирасида давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар ва мансабдор шахслардан мустақилдир. Зеро, сайлов жараёнида қонуний, адолатли ва барча иштирокчиларга тенг шароитлар яратиш учун сайлов комиссияси аъзоларининг мустақил ҳолда иш юритишлари ғоят муҳим тамойил ҳисобланади. Бинобарин, ушбу тамойилнинг амалий жиҳатдан таъминланмаслиги сайловларнинг демократик моҳиятига жиддий путур етказиши мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, сайлов қонунчилигини бузиш ҳоллари учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи нормаларнинг киритилиши, *биринчидан*, миллий сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши ҳамда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларининг мустаҳкамланиши билан боғлиқ. *Иккинчидан*, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ривожланган демократик давлатларнинг илғор тажрибаларига тўла мос келади. Қонунчиликдаги мазкур янгиликлар 2014 йил 21 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтган навбатдаги сайловлар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган стандартлар асосида янада юқори савияда, демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтказилишига ҳуқуқий замин яратади.

Шу жиҳатдан сайлов ва референдумни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи моддалар илмий-амалий талқинини ифода этувчи ушбу шарҳлар ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда тегишли субъектлар фаолиятида қонун нормаларининг тўғри ва аниқ қўлланилишида жуда муҳим манбадир.

V¹ боб. САЙЛОВ ВА РЕФЕРЕНДУМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА ЎТКАЗИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

51²-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашиш

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашиш, худди шунингдек уларнинг ишига тўсиқларни юзага келтириш, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги¹, 1994 йил 5 майдаги «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги², Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги³, 2001 йил 30 августдаги янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида»ги⁴, 2003 йил 23 августдаги янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги⁵ қонунлари билан тартибга солинган.

Ҳуқуқбузарликнинг объектини сайлов ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2014 йил 4 сентябрь қонунига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунига тегишли

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1992. – № 1. – 34-м.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1994. – № 5. – 125-м.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – № 5 – 6. – 95-м.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – № 9 – 10. – 176-м.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2003. – № 9 – 10. –

ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди¹. Қонун асосан Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат асосий принциплари белгилаб берилди.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг 2¹-моддасига асосан Марказий сайлов комиссияси ва унинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга ошириши ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятига аралashiшга йўл қўйилмаслиги қатъий қоида тариқасида белгилаб қўйилган.

Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралashiш, худди шунингдек уларнинг ишига тўсиқларни юзага келтиришда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралashiш деганда номзодларни рўйхатга олишда, сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқишда комиссияга таъсир ўтказиш, сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш каби ҳаракатларда ифодаланади. Сайлов комиссиясининг фаолиятига ноқонуний аралashiш мансабдор шахс ёки масъул шахс томонидан сайлов ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатларида юклатилган мансаб ваколатлари ёки хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг ишида *тўсиқларни юзага келтириш* сайлов комиссияси аъзоларини комиссия таркибида ишлаш имкониятларини чеклаш, сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқишда кузатувчилар иштирокини чеклаш, жамоат тартибига тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар ёки жиноятлар содир этиш каби ҳаракат ёки ҳаракатсизликларда намоён бўлади.

Шарҳланаётган модда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик субъектлари сифатида асосан кузатувчи мақомига эга шахслар бўлиши

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – 36-сон. – 452-м.

мумкин. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига асосан референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда ҳам сиёсий партиялардан, фуқаролар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга. Ушбу кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан белгиладиган намунадаги мандатга эга бўлиши шарт. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасига мувофиқ кузатувчиларга участка сайлов комиссиясининг фаолиятига аралашиш тақиқланади. Ўз навбатида референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ҳамда кузатувчиларнинг референдум ўтказувчи участка комиссиясининг фаолиятига аралашиши ман этилган.

Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони ҳам қасддан ҳам эҳтиётсизлик оқибатида содир этилишида намоён бўлади.

Ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасига кўра маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади.

51³-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик, худди шунингдек уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қонун билан тартибга солинган ваколатлари доирасида қабул қилинган тегишли қарорларини ижро этиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар ҳуқуқбузарлик объектини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари ижросининг мажбурийлиги сайлов қонунчилигида аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунининг 19-моддасида, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасида, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасида, «Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасида, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар округ ва участка сайлов комиссиялари ҳамда референдумни ўтказиш комиссиялари учун, давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида»ги қонунларида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг алоҳида тартиби белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунининг 20-моддасида, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасида, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида, «Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасида, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддаси-

да Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялари сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига, бошқа мансабдор шахсларга мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган. Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари масалани уч кун муддатда кўриб чиқишлари ва жавоб беришлари шарт.

Мурожаатларни кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш мурожаатларни кўриб чиқиш мажбурияти юкланган шахс ёки органнинг қонунда кўрсатилмаган асосларга кўра мурожаатни қабул қилмаслигидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, сайлов комиссиялари томонидан референдум ўтказувчи комиссиялари сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан мурожаатларни кўриб чиқиш муддатининг узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилиши жавобгарликни юзага келтиради.

Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони мансабдор шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмасликдан, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузишдан иборат ҳаракатсизликда намоён бўлади.

Ҳуқуқбузарлик қонунга хилоф ҳаракатсизликнинг бошланиши билан тугалланган ҳисобланади. Бироқ ҳуқуқбузарликнинг давомли хусусиятини инобатга олиб қарорни ёки сўров хатини ижро этмаслик ҳолати аниқланган кундан бошлаб маъмурий жавобгарликка тортиш муддати ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарлик субъекти мансабдор шахслар ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарлик субъектив томондан қасддан содир этилиши мумкин.

Ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасига кўра маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади.

51⁴-модда. Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш

Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мамлакатимизда миллий сайлов қонунчилигининг халқаро ҳуқуқий нормаларга мослигини таъминлаш мақсадида сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигига асосан сайловларда ўз кузатувчиси ва ваколатли вакиллари билан иштирок этиш ҳуқуқи берилган.

Сиёсий партия кузатувчисининг сайловлардаги иштирокини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг 6-моддасида алоҳида қоидалар мавжуд. Унга асосан, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи қатнашиши мумкинлиги белгиланган. Шунингдек, мазкур моддада кузатувчиларнинг ҳуқуқлари, яъни улар нималарни амалга ошириши мумкинлиги ва ўз навбатида, улар томонидан қандай ҳаракатлар амалга оширилиши мумкин эмаслиги аниқ ва тушунарли қайд этилган. Мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловлар таҳлили шуни кўрсатадики, сиёсий партиялар ўртасида рақобатнинг кучайиши натижасида партиялар сайловларда ўз кузатувчилари ва ваколатли вакиллариининг имкониятларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Сайлов жараёнларида сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, улар ўртасидаги тенглик ва соғлом рақобатни таъминлаш мақсадида 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар

киритиш ҳақида»¹ги қонунга асосан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга 17¹ - модда киритилди. Унга асосан, Қонунчилик палатасига ёки вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партияларга сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлаш ҳуқуқи берилди.

Сайлов тўғрисидаги қонунчилигимизга биноан сайловчилар билан учрашувлар депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади.

Депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинган шахс сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида, ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

Депутатликка номзодлар 10 нафарга қадар ишончли вакилларга эга бўлишлари мумкин. Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун жойларда ташвиқот юритадилар, шунингдек, сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Таъкидлаш жоизки, сайлов қонунчилигимизда депутатликка номзодлар ҳуқуқларининг кафолатлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига тўла мос келади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (2,7,21-моддалар), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (25-модда), 1990 йилда қабул қилинган инсонийлик мезонлари бўйича Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Копенгаген ҳужжати (7.7 – 7.8-бандлари), «Аёлларга нисбатан камситишларни бартараф қилиш тўғрисидаги декларация» (4-модда), 1994 йилда Парламентлараро иттифоқ қабул қилган «Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги декларация» (3, 4-бандлар), 2002 йил Венеция комиссияси томонидан қабул қилинган «Сайловларга нисбатан раҳбарий принциплар» (3-банди) ва бошқа ҳужжатларда ушбу масала атрофлича очиқ берилган. Масалан, Венеция комиссиясининг Сайловларга нисбатан раҳбарий принципларида барча номзодларга тенг имкониятлар

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2008. – 52-сон. – 510-м.

кафолатланиши белгилаб қўйилган. Бу эса сайлов кампанияси даврида оммавий ахборот воситалари, хусусан, давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишида тенг имкониятлар яратилишини назарда тутди. Парламентлараро иттифоқнинг Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги декларациясининг 3-бандида ҳар бир номзод оммавий ахборот воситаларида чиқишда тенг имкониятларга эга бўлиши лозимлиги қайд этилган.

Ўзбекистон мазкур қоидаларга мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ амал қилиб, ушбу нормаларни тегишли қонунларда мустаҳкамлаб қўйди. Мамлакатимиз сайлов қонунчилигининг яна бир афзаллиги шундаки, Олий Мажлис ҳар икки палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Қонунчилик палатаси депутатлигига ва Сенат аъзолигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш тақиқланади.

Номзодлар ҳуқуқлари кафолатини таъминлашда одил судлов муҳим омил ҳисобланади. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида сайлов комиссияларининг қарорлари устидан депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг органлари, депутатликка номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, кузатувчилар ва сайловчилар ана шу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида юқори сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилишлари белгилаб қўйилган. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида (сайловга олти кундан кам вақт қолганда эса дарҳол) кўриб чиқилиши лозим. Шикоят берган шахслар шикоят кўриб чиқилишида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 272-моддасига асосан сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай (агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол) кўриб чиқилади. Шикоят суд томонидан аризачини ва тегишли сайлов комиссиясининг вакилини, шунингдек, прокурорни, агар шикоят аризачига эмас, балки бошқа фуқарога дахлдор бўлса, ўша шахсни ҳам чақирган ҳолда кўриб

чиқилади. Бу шахсларнинг келмаслиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди. Суднинг ҳал қилув қарори чиқарилиши биланок дарҳол тегишли сайлов комиссиясига ва аризачига топширилади.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик объекти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига номзоднинг, депутатликка номзодларнинг ишончли вакилининг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Ҳуқуқбузарлик объектив томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик (масалан, кузатувчини овоз бериладиган жойга қўймаслик, сайлов комиссияси аъзосига зарур маълумотларни, ҳужжатларнинг нусхаларини тақдим этмаслик, қонунга хилоф равишда четлаштириш ва ҳ.к.)да намоён бўлади.

Ҳуқуқбузарлик субъекти мансабдор шахслар, фуқаролар ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарлик субъектив томондан фақат қасддан содир этилади.

Ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасига кўра маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади.

51⁵-модда. Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш

Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили, мансабдор шахс томонидан бузиш, —

энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳуқуқбузарлик объекти сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш билан юзага келадиган ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Сайловолди ташвиқоти, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунининг 28-моддасида, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар

кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасида, «Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасида, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддасида белгилаб қўйилган. Ушбу нормаларга мувофиқ сайловолди ташвиқоти деганда сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият тушунилади. Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди. Шунингдек, сайловолди ташвиқотини сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), қолаверса пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади.

Референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари референдум ўтказилишини ёқлаб ёки унга қарши, референдумга қўйилаётган қонун лойиҳаси, амалдаги қонун ёки бошқа масалани ёқлаб ёки унга қарши монеликсиз ташвиқот олиб боришга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган. Референдумга қўйиладиган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш мақсадида радио, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш мумкин. Қонунга мувофиқ ташвиқотни фуқароларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади. Референдум ўтказиладиган куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

Сайловолди ташвиқоти сиёсий партиянинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни ўзининг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш тарзда олиб борилади. Сайловолди ташвиқоти омма олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Сайловолди ташвиқоти:

оммавий ахборот воситалари, шунингдек телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи) орқали;

босма, кўрғазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш орқали;

сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Сайлов кампаниясида иштирок этувчи оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, шунингдек депутатликка номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

Ташвиқот жараёнида сайловчиларга, фуқароларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), пул маблағлари тўлаш, шунингдек сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотини юритиш, референдум ўтказиладиган куни ташвиқот олиб бориш каби ҳаракатлар ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини ташкил этади.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг субъекти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига номзод, депутатликка номзоднинг ишончли вакили, сиёсий партия ваколатли вакили, фуқаролар ташаббускор гуруҳининг аъзоси ва бошқа мансабдор шахс бўлиши мумкин.

Ҳуқуқбузарлик субъектив томондан қасддан содир этилади.

Ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасига кўра маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади.

51⁶-модда. Номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлгон маълумотларни тарқатиш

Сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлгон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усуллар орқали тарқатиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шарҳланаётган модданинг тузилиши Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига номзод, сиёсий партияни диффамациядан¹ ҳимоя қилишни англатади.

Сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлгон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усуллар орқали тарқатишни ман этувчи қоидалар ҳуқуқбузарликнинг тажовуз объектини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунининг 25²-моддасида, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 27²-моддасида оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги кераклиги белгилаб қўйилган. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, шунингдек депутатликка номзодларнинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

Ҳуқуқбузарлик субъекти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига номзод, депутатликка номзоднинг ишончли вакили, сиёсий партия ваколатли вакили, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқа мансабдор шахс бўлиши мумкин.

Ҳуқуқбузарлик субъектив томондан қасддан содир этилади.

¹ *Изоҳ:* «Diffamo» – лотинча сўз бўлиб, «тахқирлайман», мазмунан таҳқирловчи маълумотлар тарқатиш деган маънони англатади.

Хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасига кўра маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади.

51⁷-модда. Сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасдан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасдан шикаст етказиш

Биоларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материалларини сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида қасдан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасдан шикаст етказиш, —

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик объекти сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материаллари билан таъминлашда юзага келадиган ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги қонуннинг 27³-моддасига асосан сиёсий партияларга босма, кўرғазмали, аудиовизуал материалларни, фонограммаларни, босма маҳсулотнинг электрон шакллари ва бошқа ташвиқот материалларини монеликсиз чиқариш ҳамда тарқатиш учун тенг шароитлар яратиб берилади. Ташвиқот материаллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрланиши керак.

Босма, кўрғазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

ташвиқот материалларини тайёрлаган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ва у ҳақдаги бошқа маълумотлар;

ташвиқот материалларига буюртма берган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми);

ташвиқот материалларининг адади, чиқарилган санаси тўғрисидаги ахборот.

Худди шундай қоидалар Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайлов жараёнида татбиқ этилиши Ўзбекистон Респуб-

ликасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунда назарда тутилган.

Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материалларини сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказишда, худди шунингдек турли суратлар ёки ёзувлар битилишида ифодаланади. Биноларга, иншоотларга ва бошқа жойларга илгари жойлаштирилган сайловолди ташвиқоти материаллари сайловга бир кун қолганида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан олиб қўйилади. Бу ҳолат ҳуқуқбузарлик таркибини келтириб чиқармайди.

Ҳуқуқбузарлик субъекти фуқаролар, мансабдор шахслар ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарлик субъектив томондан қасддан содир этилади.

Ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасига кўра маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади.

51⁸-модда. Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш

Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сайловни ёки референдумни молиялаштириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳуқуқбузарлик объектини ташкил этади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 64-моддаси «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 48-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида»ги қонуннинг 42-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловига, шунингдек референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Депутатликка номзодларни бошқа маблағлар

ҳисобидан молиявий таъминлаш ва моддий жиҳатдан ўзга тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар сайлов ўтказиш учун ўз маблағларини ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни тегишли сайлов комиссиялари сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузишда ифодаланади.

Ҳуқуқбузарлик субъекти фуқаролар ташаббускор гуруҳининг аъзоси, мансабдор шахс ҳисобланади.

Субъектив томондан ҳуқуқбузарлик фақат қасддан содир этилади.

Ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасига кўра маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади.

51⁹-модда. Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш

Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини, шунингдек сайлов ёки референдум билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳуқуқбузарлик объектини бевосита жамоатчилик фикри сўровлари натижалари, сайлов ёки референдум натижалари тахминлари, шунингдек сайлов ёки референдум билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш (эълон қилиш)га оид ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунининг 33, 34, 35, 36-моддаларида, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 65-моддаси «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 49-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида»ги қонуннинг 39-моддасига кўра овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек овоз

бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси референдум ўтказилгандан кейин кўпи билан ўн кун ичида референдумда қабул қилинган қарорни эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси референдум ўтказувчи округ комиссияларининг баёнлари асосида:

Ўзбекистон Республикасининг овоз берувчи фуқаролари умумий сонини;

овоз бериш бюллетенларини олган фуқароларнинг сонини;

овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг сонини;

референдумга қўйилган масалани ёқлаб берилган овозлар сонини;

референдумга қўйилган масалага қарши берилган овозлар сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган овоз бериш бюллетенларининг сонини аниқлайди.

Агар овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, қарор референдумда қабул қилинган деб топилади.

Агар рўйхатга киритилган фуқароларнинг ярмидан ками референдумда иштирок этган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси референдумни ўтмаган деб топади.

Овоз бериш чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш якунларига таъсир қилган қоидабузарлик туфайли овоз бериш якунлари умуман ёки айрим округлар ёхуд айрим участкалар бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Овоз бериш якунларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу қарор устидан референдум якунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

Айрим округлар ёки айрим участкаларда овоз бериш якунлари ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан ана шу округлар ёки участкалар бўйича овоз бериш натижалари (агар бу натижаларсиз ҳам

референдум умуман ҳақиқий деб топилиши мумкин бўлса) умумий натижалардан чиқариб ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси мажлисида овоз бериш яқунлари чиқарилади ва бу ҳақда баён тузилади. Баён раис, раис ўринбосари, комиссиянинг котиби, бошқа аъзолари томонидан имзоланади. Референдум яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарор қабул қилади.

Ҳуқуқбузарлик объекти бевосита жамоатчилик фикри сўровлари натижалари, сайлов ёки референдум натижалари тахминлари, шунингдек сайлов ёки референдум билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш (эълон қилиш)дан иборат ҳаракатларда ифодаланади.

Ҳуқуқбузарлик субъекти модданинг санкциясида келтирилганидек фақат мансабдор шахс ҳисобланади.

Субъектив томондан ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилади.

Ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасига кўра маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил,
36-сон, 452-модда)

Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 23 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2014 йил 28 августда маъқулланган

[КЎЧИРМА]

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси-га (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда ...) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **V¹ боб** билан тўлдирилсин:

**«V¹ боб. Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда
ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий
жавобгарлик**

51²-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашиш

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашиш, худди шунингдек уларнинг ишига тўсиқларни юзага келтириш, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

51³-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик, худди шунингдек уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

51⁴-модда. Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш

Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

51⁵-модда. Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш

Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили, мансабдор шахс томонидан бузиш, —

энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

51⁶-модда. Номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатиш

Сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усуллар орқали тарқатиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

51⁷-модда. Сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш

Биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материалларини сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш, —

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

51⁸-модда. Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш

Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

51⁹-модда. Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш

Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини, шунингдек сайлов ёки референдум билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) куйидаги мазмундаги 179⁵-модда билан тўлдирилсин:

«179⁵-модда. Қасддан банкротликка олиб келиш

Якка тартибдаги тадбиркор томонидан ёки юридик шахс мансабдор шахси, муассиси (иштирокчиси) ёхуд мол-мулкининг мулкдори томонидан шахсий манфаатларини ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилган қасддан банкротликка олиб келиш, яъни тўловга қобилиятсизликни қасддан юзага келтириш ёки ошириш, ушбу якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки юридик шахснинг барқарор иқтисодий ночорлигига (банкротлигига) олиб келса, кредиторларга зарар етказилишига сабаб бўлса, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) 245-модданинг биринчи қисми «51¹» ва «179⁴» рақамларидан кейин тегишинча «51², 51³, 51⁴, 51⁵, 51⁶, 51⁷, 51⁸, 51⁹» ва «179⁵» рақамлари билан тўлдирилсин;

4) 305-модданинг иккинчи қисмидаги «170» рақами «51², 51³, 51⁴, 51⁵, 51⁶, 51⁷, 51⁸, 51⁹, 170» рақамлари билан алмаштирилсин.

30-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 5 сентябрдаги 172 (6102)-сонида эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 4 сентябрь,
ЎРҚ-373-сон

ХУЛОСА

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ барча соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг пировард мақсади ҳам фуқароларга муносиб турмуш шароити яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муносиб ҳимоя қилишлари учун мавжуд қонунларни янада такомиллаштиришдир.

Юртбошимиз ташаббуси билан соҳани босқичма-босқич, изчиллик асосида ривожлантириш ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар дастури амалга ошириб келинмоқда. Бу ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти муҳтарам Президентимиз томонидан 2010 йилнинг 12 ноябрида тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да иккинчи устувор йўналиш сифатида қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборат эканлиги белгилаб берилди.

Бинобарин, ўтган йили Қонунчилик палатаси томонидан 30 та қонун қабул қилинган бўлса, бу қонунларнинг 9 таси Концепцияга мувофиқ тайёрланган. Шунингдек, 28 та қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди ва кучга кирди.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектларнинг бу жараёндаги фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан – 6 та, Вазирлар Маҳкамаси томонидан – 19 та, Бош прокурор томонидан – 2 та ва бошқа субъектлар томонидан – 3 та қонун лойиҳаси парламент қўйи палатаси муҳокамасига киритилган.

«Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланишига ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилишига хизмат қилади.

Бу каби киритилган қўшимчалар сайловлар – мамлакатда амал қилувчи ҳуқуқий нормаларнинг демократлилигини белгиловчи муҳим масала эканлигига, сайловлар ҳуқуқий демократик давлатнинг ажралмас қисми, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини ифода этишининг асосий шакли, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда тўғридан-тўғри иштирок этишининг асосий шакли эканлигига таянади. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши сайлов эркинлиги принципини янада тўлиқроқ амалга оширишга, мамлакатимизнинг сайлов тизимини янада демократлаштиришга, сайлов ташвиқотини олиб бориш жараёнида депутатларга, сиёсий партияларга тенг шароитлар таъминланиши самарадорлигини оширишга, шунингдек депутатликка сайловнинг ошқоралиги ва очиқ-ойдинлиги принципларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини юксалтириш йўлида қонунчилик тизимидаги ислоҳотлар, янгиланишлар тобора изчиллик ва кенг қамров касб этаётган бугунги жараёнлар жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини янада ошириш, қабул қилинаётган қонунларни аҳолига содда ва тушунарли тарзда етказишни тақозо этмоқда.

Олий юридик таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходимлар-изланувчилар, мустақил илмий изланувчилар, бакалаврият ва магистратура йўналиши талабалари ва тингловчилари, қолаверса сайлов жараёни иштирокчиларига мўлжалланган мазкур қўлланма «Қонунчилик тарғиботи кутубхонаси» рукнида илк уриниш бўлиб, қонун нормалари мазмунини англашда, амалиётда тўғри қўллаш вазифасини қўяди.

Сайлов ва референдумни ташкил этиш ва ўтказишга оид қоидабузарликлар учун жавобгарлик нормаларининг тўғри ва аниқ қўлланилишини баён этувчи тушунтиришлар, изоҳларда муаллиф қатъий фикрлардан йироқ. Шу билан бирга, муаллиф илмий-амалий шарҳнинг мазмуни, мантиқий тузилиши ҳақидаги танқид, фикр ва мулоҳазалар, таклифларни самимият билан қабул қилади ва келгусидаги нашрларда инобатга олади.

ИСМОИЛОВ Насриддин Тўйчиевич,
юримдик фанлар номзоди, доцент

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ
КОДЕКСИНИНГ 51² – 51⁹-МОДДАЛАРИГА**

Ш А Р Ҳ Л А Р

Илмий-амалий қўлланма

Муҳаррир **Б. Қ. Эргашев**
Техник муҳаррир **Д. Р. Джалилов**

Босишга 09.01.2015. й. рухсат этилди. Нашриёт ҳисоб табағи 2,0.
Адади 50 нусха. Буюртма.....

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.